

**О‘РТА ОСИЙОДА ИЖТИМОИЙ ВА ГУМАНИТАР  
ТАДҚИҚОТЛАР-Журнали  
1-сон. 2-қисм. Октябр-2025**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ  
ШАРТНОМАЛАРИ**

**Қодиралиева Ижобат Бахромжон қизи  
Наманган давлат университети  
Жиноят ҳуқуқи ва протцесси  
кафедраси стажёр-ўқитувчиси  
Тел: +998972583010  
E-mail: [ijobat\\_2730@mail.ru](mailto:ijobat_2730@mail.ru)**

**АННОТАЦИЯ**

Муаллиф мазкур мақолада олий таълим ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизмат кўрсатиш шартномаларини мазмун моҳиятини амалдаги қонунчилик ҳужжатлари асосида назарий ва амалий жихатдан таҳлил этган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида хизмат кўрсатиш шартномасига бағишланган моддалар умумий тусга эгаллигини ва улар барча хизмат кўрсатиш муносабатларини тўлиқ қамраб ололмаслигини таъкидлаган ҳолда олий таълим муассасаларининг замонавий фаолиятида инновацион ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш алоҳида аҳамият касб этиши ва бу хизматлар қаторига ҳуқуқий тарғибот, маслаҳат бериш, локал ҳужжатларнинг намунавий лойиҳаларини тайёрлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш, хорижий талабаларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш каби йўналишларни киритиш лозимлигини илгари сурган ва инновацион хизматлар кўрсатишда асосий ҳуқуқий восита бу шартнома ҳисобланади деган фикрга келган.

**Калит сўзлар:** олий таълим ташкилоти, тадбиркорлик фаолияти, шартнома, хизмат кўрсатиш шартномаси, хизмат кўрсатувчи субъектлар, инновацион ҳуқуқий хизматлар, хизмат кўрсатиш мажбуриятларида жавобгарлик.

**АННОТАЦИЯ**

В данной статье автор, опираясь на действующие законодательные акты, проанализировал содержание и сущность договоров оказания услуг,

# O'RTA OSIYODA IJTIMOIIY VA GUMANITAR TADQIQOTLAR-Jurnali 1-son. 2-qism. Oktyabr-2025

предоставляемых высшими образовательными учреждениями, с теоретической и практической точки зрения. Автор также подчеркнул, что статьи Гражданского кодекса Республики Узбекистан, посвященные договорам оказания услуг, носят общий характер и не могут в полной мере охватить все виды отношений, связанных со сферой оказания услуг. Автор также отметил, что предоставление инновационных юридических услуг в современной деятельности высших учебных заведений должно иметь особое значение и включать в себя такие направления, как правовая защита, консалтинг, разработка типовых проектов локальных документов, экспертиза нормативно-правовых документов, юридическая помощь иностранным студентам. Автор пришел к выводу, что основным правовым инструментом при оказании инновационных услуг является договор.

**Ключевые слова:** организация высшего образования, предпринимательская деятельность, договор, договор оказания услуг, субъекты оказания услуг, инновационные юридические услуги, ответственность по обязательствам за оказание услуг.

## ANNOTATION

In this article, the author, based on current legislation, analyzed the content and essence of service contracts provided by higher education institutions from a theoretical and practical point of view. The author also emphasized that the articles of the Civil Code of the Republic of Uzbekistan devoted to service contracts are general in nature and cannot fully cover all types of relations related to the provision of services. The author also noted that the provision of innovative legal services in the modern activities of higher education institutions should be of particular importance and include such areas as legal protection, consulting, development of standard drafts of local documents, examination of regulatory documents, legal assistance to foreign students. The author came to the conclusion that the main legal instrument in the provision of innovative services is the contract.

**Key words:** higher education organization, entrepreneurial activity, contract, service provision contract, service provision entities, innovative legal services, liability for obligations for the provision of services.

Таълим соҳасида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва олий таълим соҳада хизмат кўрсатиш муносабатларини тартибга солишда Ўзбекистон

# O'RTA OSIYODA IJTIMOIIY VA GUMANITAR TADQIQOTLAR-Jurnali 1-son. 2-qism. Oktyabr-2025

Республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонунининг 32 ва 62 - моддалари муҳим ўрин эгаллайди. Хусусан қонуннинг 62-моддасида давлат таълим муассасалари уставида белгиланган вазифаларга мувофиқ пулли таълим хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган<sup>1</sup>. [1.]

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида хизмат кўрсатиш шартномасига бағишланган моддалар умумий тусга эга. Улар барча хизмат кўрсатиш муносабатларини тўлиқ қамраб ололмайди. Шу сабабли қонунчиликда пудрат ва маиший пудрат шартномаларига оид нормаларни, агар улар хизмат кўрсатиш шартномаси қоидаларига зид бўлмаса, қўллаш белгиланган. Хизмат кўрсатиш ва пудрат шартномалари ўртасида умумий жиҳатлар мавжуд. Иккала шартномада ҳам ижрочи буюртмачининг топшириғига биноан ҳаракат қилади. Шунингдек, ҳар иккала шартнома ўз предметида эга. Бироқ, бу шартномалар ўртасида муҳим тафовутлар ҳам мавжудлигини эсдан чиқармаслик зарур. Пудрат шартномасининг асосий мақсади моддий натижани яратиш ва уни топшириш ҳисобланса, хизмат кўрсатиш шартномасида бундай моддий натижа талаб этилмайди. Хизмат кўрсатиш шартномасида ижрочи муайян ҳаракатларни амалга ошириши, буюртмачи эса бунинг учун ҳақ тўлаши керак, холос.

Хизмат кўрсатувчи субъектлар истеъмолчиларга зарур маълумотларни тақдим этиши қонун билан белгиланган. Миллий қонунчиликка кўра, хизмат кўрсатувчи ташкилот ўзининг номи, манзили ва иш вақти ҳақидаги ахборотни махсус лавҳада кўрсатиши талаб этилади. Хизмат кўрсатувчи томонидан миждозга савдо-сотик, маиший ва бошқа хизматлар бўйича тўлиқ маълумот бериш мажбурияти мавжуд. Бу қоидалар императив тусга эга бўлиб, уларга риоя этмаслик қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади<sup>2</sup>. [2.]

Ўзбекистонлик талабалар хорижда ўқимоқчи бўлса, харажатларни молиялаштириш учун қуйидаги тарафлар шартнома тузиши мумкин:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги;

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги (ЎРҚ-637-сон, 23.09.2020 й.) қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 12.10.2021 й., 03/21/721/0952-сон).

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига шарх. – Т.: «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижобий уйи, 2005. –68-б.

**O'RTA OSIYODA IJTIMOIIY VA GUMANITAR  
TADQIQOTLAR-Jurnali  
1-son. 2-qism. Oktyabr-2025**

2. Устав асосида иш юритувчи олий таълим муассасаси;
3. Хориж университети (масалан, АҚШда J-1 қабул қилиб олувчи ва ташриф буюрувчи шартномаси асосида иш юритувчи ижрочи директор);
4. Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси номидан Низом асосида иш юритувчи ижро этувчи директор.

Бу тарафлар ёш олимларнинг хорижий илмий марказлар ва университетларда қисқа муддатли илмий стажировкаларини ташкил этиш ва молиялаштириш тўғрисида шартнома тузадилар. Бунда Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси Кузатув кенгашининг қарори асос бўлиб хизмат қилади.

Тарафлар шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда тузилган ва тарафларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланишини назарда тутати. Шу билан бирга, коррупцияга қарши шарт бўлиши талаб қилинади. Бунда:

Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида тарафлар, уларнинг филиаллари, ходимлари ёки воситачилари асоссиз устунлик ва фойда олиш ёки бошқа номувофиқ мақсадларда ҳар қандай шахсга бевосита ёки билвосита пул маблағлари ёки бошқа қийматликларни тўламайдилар, тўлашни таклиф қилмайдилар ёки тўлашга рухсат бермайдилар, бундай шахсларнинг ҳаракатларига ёки қарорларига маълум бир ахборотни олиш учун таъсир кўрсатишга йўл қўймайди. Шунингдек, шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш жараёнида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш мақсадида тарафлар, уларнинг филиаллари, ходимлари ёки воситачилари амалдаги қонунчиликда назарда тутилган пора бериш/олиш, тижорат порахўрлиги, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро ҳужжатлар талабларини бузувчи ҳаракатларни амалга оширмайдилар.

Агар тарафлардан бири ушбу банднинг қоидалари бузилганлигини ёки бузилиши мумкинлигини гумон қилса, тегишли тараф бошқа тарафни ёзма равишда хабардор қилиши шарт. Тегишли тараф ёзма равишда хабардор қилинган тақдирда, шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришни бузилиш содир бўлмагани ёки бўлмаслиги тасдиқланмагунча тўхтатиб туришга ҳақли. Мазкур тасдиқ ёзма хабар юборилган кундан бошлаб оқилона муддат ичида

# O'RTA OSIYODA IJTIMOIIY VA GUMANITAR TADQIQOTLAR-Jurnali 1-son. 2-qism. Oktyabr-2025

тақдим этилиши лозим. Ёзма хабарномада тарафлардан бири, унинг филиаллари, ходимлари ёки воситачилари томонидан ушбу банднинг қоидалари бузилганлиги ёки бузилиши мумкинлигини тасдиқловчи ишончли далиллар ёки асослар кўрсатилиши лозим. Бундай ҳаракатлар амалдаги қонунчиликда пора бериш ёки олиш, тижорат порахўрлиги, шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича халқаро ҳужжатлар талабларини бузиш сифатида баҳоланади.

Хизмат кўрсатиш мажбуриятларида жавобгарлик қуйидаги ҳолларда:

1) шартнома муайян шахслар (жисмоний, юридик шахслар) ўртасида қонун талабларига мувофиқ тузилган бўлса;

2) шартнома моҳиятини ташкил этувчи муайян шартларни бузганлик учун шакллар ва ҳажмлар кўрсатилган ҳолда жавобгарлик назарда тутилган бўлса;

3) жавобгарлик шартномада кўрсатилган шартларни бузганлик (бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик) учун юзага келган бўлса, шартномавий жавобгарлик деб эътироф этилади<sup>3</sup>. [3, 140-б.]

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасига мувофиқ, хизмат кўрсатиш жараёнида аниқланган нуқсонларни бартараф этиш муддатлари шартномада белгилаб қўйилиши, шунингдек кўрсатилган хизматдаги нуқсонлар, агар шартномада бир мунча қисқарок муддат белгиланмаган бўлса, истеъмолчи талаб қилган кундан эътиборан йигирма кун ичида ижрочи томонидан бартараф этилиши керак. Нуқсонлар белгиланган муддатда бартараф этилмаган, шунингдек хизмат кўрсатишни бошлаш ва тугаллаш кечиктирилган тақдирда, ижрочи истеъмолчига ҳар бир кечиктирилган кун, соат (агар муддат соатларда белгиланган бўлса) учун иш (хизмат) қийматининг ёки буюртма қийматининг (агар унинг қиймати алоҳида белгиланмаган бўлса) бир фоизи миқдорида неустойка (пеня) тўлайди.

Фикримизча, қўшимча тарзда ўзини ўзи молиялаштирадиган бюджет ташкилотлари ҳамда фақат бюджетдан маблағ олиб фаолият юритувчи ташкилотларга нисбатан маблағларни тасарруф этишига нисбатан бир хил ёндашиш тўғри бўлмайди. Хусусан, сўнгги йилларда олий ўқув юртларининг моддий-техника базаси кескин ривожланди. Ушбу ҳолатда бюджет ташкилотининг моддий-техника базасини ривожлантиришга эътибор қаратган

<sup>3</sup> Раҳмонқулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қоидалар). Дарслик. – Тошкент: ТДЮИ., 2005. – 140-б.

# O'RTA OSIYODA IJTIMOIIY VA GUMANITAR TADQIQOTLAR-Jurnali 1-son. 2-qism. Oktyabr-2025

холда, ходимларни моддий рағбатлантормаслик ўзини оқламайди ва тескари натижа беради. Қолаверса, ходимларни моддий рағбатлантиришдан фарқли равишда моддий-техника базасини ривожлантириш доимий харажатларни назарда тутмайди.

Шартнома асосида бажариладиган илмий-тадқиқот, ахборот-таҳлилий ишлар, таълим ва бошқа хизматлардан тушадиган тушумлар, ўқитишнинг тўлов-контракт шакли учун олинадиган маблағлар, хорижий ва халқаро ташкилотларнинг грантлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлар ҳамда қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа манбалардан шаклландиган маблағлар ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказилаётган олий таълим муассасалари томонидан тўлалигича ва мустақил равишда сарфланиши зарур.

Ҳуқуқий соҳада қуйидаги йўналишларда инновацион ҳуқуқий хизматлар кўрсатилиши мумкин:

- ҳуқуқий тарғиботларни ташкил этиш;
- ҳуқуқий маслаҳат бериш;
- ОТМ локал ҳужжатларининг намунавий лойиҳаларини тайёрлаш;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини экспертизадан ўтказиш;
- қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва уларнинг нормалари мазмун-моҳиятини тушунтириш;
- ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларининг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқиш;
- ҳуқуқий ва бошқа айрим ижтимоий фанларга оид дарслик, ўқув қўлланма, монография ва рисола тайёрлаб бериш;
- ҳуқуқий ва бошқа айрим ижтимоий мавзуларда конференциялар ҳамда илмий семинарлар ўтказиш;
- ҳуқуқий ва бошқа айрим ижтимоий мавзуларда давра суҳбатларини ташкил этиш;
- ҳуқуқий таржима ишини бажариш;
- ҳуқуқий тарғибот материалларини тайёрлаб бериш;
- ҳақ эвазига ҳуқуқий таълим бериш;
- олий таълим муассасаси томонидан тузиладиган шартномаларнинг намунавий лойиҳаларини тузиб бериш ва экспертизадан ўтказиш;

# O'RTA OSIYODA IJTIMOIIY VA GUMANITAR TADQIQOTLAR-Jurnali 1-son. 2-qism. Oktyabr-2025

-мехнат қонунчилиги билан боғлиқ локал ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш;

-олий таълим муассасаси ташкил этилганда, қайта ташкил этилганда, унинг ҳуқуқий мақоми ўзгарганда ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш;

-олий таълим муассасасига қабул қилинган хорижий талабаларни ўқишга қабул қилиш, виза расмийлаштириш ва доимий ёки вақтинчалик пропискага қўйиш, фавқулодда ҳолатларда қандай йўл тутиш (масалан, фуқаролик паспорти йўқотилганда) каби масалаларни ҳал этиш бўйича қўлланмалар яратиш ва қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа инновацион ҳуқуқий хизматлар ва ҳ.к.

Юқоридаги инновацион хизматлар кўрсатишда асосий ҳуқуқий восита бу шартнома ҳисобланади. Шартномада кўрсатиладиган хизматга доир асосий талаблар, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда жавобгарлиги белгиланиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4391-сон қарорига асосан 2020 йилдан бошлаб таълим хизматлари бозорида олий таълим муассасаларининг айрим бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига талаб юқорилиги, илмий-педагогик салоҳияти, моддий-техник базаси имкониятлари ва молиявий барқарорлигини инобатга олиб, уларни босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш назарда тутилди.

Илмий-техник тараққиётни таъминлашда грантлар орқали мақсадли молиялаштириш механизми қатор ижобий натижаларга олиб келди. Бу жараён илмий жамоаларнинг ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш ва реал натижадорликка эришишга хизмат қилди<sup>4</sup>. [4, 42-б.]

Бугунги кунда ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, илмий муассасаларнинг олий таълим муассасалари қошида фаолият юритиши самарали ечим ҳисобланади. Бу эса фан ва таълим интеграциясини кучайтиришга замин яратади. Бироқ, мавжуд тизимда айрим муаммолар ҳам кузатилмоқда:

<sup>4</sup> Окюлов О. ва бошқалар. Интеллектуал мулк ва инновация (Интеллектуал мулк ҳуқуқи институтларининг инновация ривожланишини таъминлашдаги таъсирини оширишнинг моддий ва процессуал воситалари: миллий амалиёт ва хорижий тажриба) –Тошкент: Турон Замин Зиё, 2016. -42 б. (- 390 б.)

# O'RTA OSIYODA IJTIMOIIY VA GUMANITAR TADQIQOTLAR-Jurnali 1-son. 2-qism. Oktyabr-2025

- Лойиҳаларни танлаш ва баҳолашда субъектив ёндашувлар
- Илмий лойиҳаларни асоссиз бирлаштириш ҳолатлари
- Тадқиқот жараёнини мониторинг қилишдаги расмиятчилик
- Илмий натижаларни амалиётга татбиқ этишдаги сусткашлик

Шу боис, илмий фаолиятни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш, грант танловларини ўтказиш тартибини оптималлаштириш ва тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Олий таълим муассасалари фаолиятининг ҳуқуқий асослари Конституция ва махсус қонунлар билан мустақамланган бўлиб, уларда таълим соҳасидаги асосий тамойиллар, давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ривожлантириш масалалари, узлуксиз таълим тизими концепцияси ҳамда фуқароларнинг олий маълумот олиш ҳуқуқлари белгиланган. Бу ҳуқуқий база олий таълим муассасаларининг хизмат кўрсатиш шартномалари тизимида ўзига хос ўрин тутишини таъминлайди. Айниқса, таълим хизматларини кўрсатиш борасидаги шартномавий муносабатларни тартибга солишда Конституциявий нормалар асосий ҳуқуқий манба сифатида хизмат қилади.

Олий таълим муассасалари томонидан тузиладиган шартномалар тизимида пуллик таълим хизматларини кўрсатиш шартномаси марказий ўринни эгаллайди. Бу шартнома олий таълим муассасасининг универсал ҳуқуқ лаёқатидан келиб чиқади ва таълим хизматларини кўрсатишга доир махсус қоидалар билан тартибга солинади. Бироқ, амалдаги қонунчилик бу муносабатларни фақат умумий тарзда тартибга солиши, пуллик таълим хизматлари шартномасининг ҳуқуқий табиати етарлича аниқланмаганлиги, "хизмат" ва "таълим хизматлари" каби асосий тушунчаларнинг мукамал ифодаланмаганлиги амалиётда жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Бу борада айрим ҳуқуқшунос олимлар ўзларининг илмий мақолалари ва ўқув адабиётларида атрофлича тўхталиб ўтишган.<sup>5</sup> [5, 47-б.]

Олий таълим муассасаларининг замонавий фаолиятида инновацион

<sup>5</sup> Топилдиев В.Р. Замонавий технологияларни фуқаролик-ҳуқуқий фанларнинг ривожланиши ва фуқаролик ҳуқуқий муносабатларга таъсири // "Fuqarolik huquqiy fanlarini rivojlantirish tendensiyalari va fuqarolik qonunchiligini takomillashtirish istiqbollari" mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. –Т., 2022. 47-62 бетлар.

# O'RTA OSIYODA IJTIMOIIY VA GUMANITAR TADQIQOTLAR-Jurnali 1-son. 2-qism. Oktyabr-2025

хуқуқий хизматлар кўрсатиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу хизматлар каторига хуқуқий тарғибот, маслаҳат бериш, локал ҳужжатларнинг намунавий лойиҳаларини тайёрлаш, норматив-хуқуқий ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш, хорижий талабаларга хуқуқий ёрдам кўрсатиш каби йўналишларни киритиш мумкин. Бу хизматларни кўрсатишнинг асосий хуқуқий воситаси сифатида шартнома институти хизмат қилади. Шартномада хизматларга қўйиладиган талаблар, тарафларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда жавобгарлик масалалари аниқ белгиланиши зарур.

“Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг алоҳида моддаси сифатида “Олий таълим муассасаларида таълим хизматлари шартномасини тузиш тартиби” номли боб киритилиши лозим. Унда қўйидаги ҳолатларда пуллик таълим хизматлари шартномаси тузилиши белгиланиши керак:

-талаба олий таълим муассасасига таълим дастури бўйича ўқишга қабул қилиш;

-талаба ўқишдан четлатилгандан сўнг қайта тикланганда хуқуқий оқибатлар;

-бошқа таълим муассасасидан кўчириб ўтказиш;

-бир таълим дастуридан бошқасига ўтказиш тартиби.

Фуқаролик кодексининг 38-бобига “Олий таълим муассасаларининг хизмат кўрсатиш шартномалари” номли махсус параграф киритилиши лозим. Унда олий таълим муассасалари томонидан кўрсатиладиган барча турдаги хизматлар, жумладан таълим, илмий-тадқиқот, маслаҳат ва бошқа хизматлар бўйича шартномаларнинг хуқуқий асослари, тарафларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлиги масалалари белгиланиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 19<sup>1</sup>-модда киритиш ва унда олий таълим хизматларини кўрсатишда истеъмолчиларнинг хуқуқларини ҳимоя қилишнинг махсус механизмларини назарда тутувчи қўшимча кафолатлар назарда тутиш лозим. Таълим хизматидаги камчиликларни бартараф этиш муддатлари, сифат стандартлари ва истеъмолчининг хуқуқлари бузилганда қўлланиладиган жавобгарлик чоралари аниқ кўрсатилиши мақсадга мувофиқ.

**О‘РТА ОСИЙОДА ИЖТИМОИЙ ВА ГУМАНИТАР  
ТАДҚИҚОТЛАР-Журнали  
1-сон. 2-қисм. Октябр-2025**

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги (ЎРҚ-637-сон, 23.09.2020 й.) қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 12.10.2021 й., 03/21/721/0952-сон).

2. Ўзбекистон Республикаси «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига шарҳ. – Т.: «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижобий уйи, 2005. –68-б.

3. Раҳмонқулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қоидалар). Дарслик. – Тошкент: ТДЮИ., 2005. – 140-б.

4. Окюлов О. ва бошқалар. Интеллектуал мулк ва инновация (Интеллектуал мулк ҳуқуқи институтларининг инновация ривожланишини таъминлашдаги таъсирини оширишнинг моддий ва процессуал воситалари: миллий амалиёт ва хорижий тажриба) –Тошкент: Турон Замин Зиё, 2016. -42 б. (- 390 б.)

5. Топилдиев В.Р. Замонавий технологияларни фуқаролик-ҳуқуқий фанларнинг ривожланиши ва фуқаролик ҳуқуқий муносабатларга таъсири // “Fuqarolik huquqiy fanlarini rivojlantirish tendensiyalari va fuqarolik qonunchiligini takomillashtirish istiqbollari” mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. –Т., 2022. 47-62 бетлар.